

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАИСЛАМОВ УЛУГБЕК АЛИШЕРОВИЧ

**МЕТАЛЛ ОКСИДЛАРИ АСОСИДА НАНОТУЗИЛИШЛИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ОЛИНИШИ ВА ФОТОКАТАЛИТИК
ХОССАЛАРИ**

**02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология
02.00.04 – Физик кимё**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Шаисламов Улугбек Алишерович

Металл оксидлари асосида нанотузилишли яримўтказгичлар олиниши
ва фотокаталитик хоссалари. 3

Shaislamov Ulugbek Alisherovich

Synthesis and photocatalytic properties of metal oxide semiconductor
nanostuctures. 29

Шаисламов Улугбек Алишерович

Синтез и фотокаталитические свойства наноструктурных
полупроводников на основе оксидов металлов... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАИСЛАМОВ УЛУГБЕК АЛИШЕРОВИЧ

**МЕТАЛЛ ОКСИДЛАРИ АСОСИДА НАНОТУЗИЛИШЛИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ОЛИНИШИ ВА ФОТОКАТАЛИТИК
ХОССАЛАРИ**

**02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология
02.00.04 – Физик кимё**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/FM192 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий Университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.polchemphys.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Рузимуродов Олим Нарбекович кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Юлдашев Шавкат Узгенович физика-математика фанлари доктори, профессор Кадирова Зухра Чингизовна кимё фанлари доктори, профессор Шилова Ольга Алексеевна кимё фанлари доктори, профессор
Ётақчи ташкилот:	“Физика-Қуёш” ИИЧБ Материалшунослик институти

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30 № 2019.R/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгаш кенгашнинг 2022 йил «28» Июль соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о уй. Тел.: (+99871)241-85-94.

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 34 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о уй. Тел.: (+99871)241-85-94

Диссертация автореферати 2022 йил «8» Июль кuni тарқатилди.
(2022 йил «8» Июль даги 2 рақамли реестр баённомаси).



С.Ш. Рашидова

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

А.А. Атаханов

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., катта илмий ходим

Н.Р. Ашуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда ер юзида аҳоли сонини ошиб бориши энергия ресурсларига бўлган талабни ўсишига олиб келмоқда ва кўмир, газ, нефт каби табиий қазилма энергия манбааларини захиралари чекланганлиги келажак энергия манбалари ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилмоқда. Шу билан бирга, табиий қазилма энергия манбаларини ёниш жараёнида ҳосил бўлувчи маҳсулотлар (CO_2 , NO_x) атроф-муҳит ва экологияга жиддий зарар келтиради ва бу муаммоларни ҳал қилишда қуёш, шамол, гидроэнергия, ядро энергияси каби қайта тикланувчан, муқобил энергия манбаларини тадқиқ этиш, ривожлантириш ва кенг қўламда тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишлар водород энергетикаси келажак энергетик инқирозини олдини олишдаги истиқболли ечимлардан бири эканлигини кўрсатмоқда ва водород газини қуёш энергияси ёрдамида олишнинг самарали усуллардан бири сувни фотокаталитик парчалашдир. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан сувни фотокаталитик парчалаб водород олишда қўлланилувчи самарали фотокаталитизатор материаллар олиш уларнинг ўлчам ва морфологияларини бошқариш, нанотузилмали фотокаталитизаторларни самарали синтезлаш усулларини яратиш, ёруғликни кўринувчи соҳасидаги фаоллигини ошириш, фотокаталитизаторда ҳосил бўлган заряд ташувчиларнинг рекомбинациясини камайтириш, ёрдамчи металл катализаторларни мақсадли киритиш, фотореакциялар кинетикаси ҳамда механизмини аниқлаш, фотокаталитизатор-суяқлик чегарасидаги заряд узатилиш ва оксидланиш-қайтарилиш реакциялари механизмларини ўрганиш бўйича кўплаб назарий ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимизда энергия самарадорлигини ошириш, ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтириш ҳамда қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда дастурий чора-тадбирлар асосида, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган водород энергетикасини ривожлантириш бўйича фундаментал ва амалий изланишлар кенг қўламда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ¹ миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаган ҳолда водород ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни яратиш, улардан чиқиндиларни утилизация қилиш ва экологик хавфсизлик учун фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони.

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-3012-сон, 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон, 2020 йил 10 июндаги «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4779-сон ва 2021 йил 9 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5063-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Нанотузилмали фотокатализатор материалларни синтез қилиш ва уларни сувни фотокаталитик парчалаб водород олиш йўналишига қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Tokyo Institute of technology, Kyushu University, Tokyo University of Science (Япония), Sungyukwan University, Seoul National University, KAIST, (Ж. Корея) Friedrich-Alexander-University of Erlangen-Nürnberg (Германия), California Institute of Technology, Pennsylvania State University (АҚШ), École polytechnique fédérale de Lausanne (Швейцария), Institute of New Catalytic Materials Science (Хитой), Ўзбекистон Миллий университетларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ёруғлик ёрдамида сувни парчалаб водород олишга мўлжалланган юқори самарадор фотокатализаторларни олиш ва уларни амалий қўллашга оид жаҳонда қатор тадқиқотлар олиб борилиши натижасида қуйдаги илмий натижалар олинган: металл оксидлари, нитритлари ва улар асосидаги қаттиқ эритмалардан иборат самарадор фотокатализаторлар синтезланган (University of Tokyo, Япония); ёруғлик таъсирида сувни тўлиқ парчалашга қодир икки турдаги фотокатализатор материалдан ташкил топган Z-схема асосида ишловчи тизим яратилган (Tokyo University of Science, Япония); углерод нитриди асосидаги ёруғликнинг кўринувчи соҳасида фаол бўлган юқори самарадорликга ва барқарорликга эга фотокатализаторлар синтезланган (Soochow University, Suzhou, Хитой); нанотузилмали металл оксидли

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган

фотоэлектродлардан ташкил топган фотоэлектрохимёвий ячейка асосида сувни фотоэлектролизлаш тизимлари ишлаб чиқилган (École Polytechnique Fédérale de Lausanne, Швейцария); барқарорлиги юқори бўлган кремний асосидага фотоэлектродлар синтезланган (California Institute of Technology, АКШ).

Дунёда янги фотокатализатор материалларни олишга, уларнинг ёруғликнинг кўринувчи нур соҳасида фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тақиқланган соҳаси тор бўлган яримўтказгич фотокатализаторларни синтез қилиш; фотоэлектродларни барқарорлигини ошириш ва электрод-электролит чегарасидаги заряд узатилиш қонуниятларини тадқиқ этиш; фотокатализатордаги рекомбинацион жараёнларни бартараф этишда наноўзлчамли фотокатализаторларни синтез қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қатор етакчи илмий марказларида кукунли фотокатализатор ёки фотоэлектрохимёвий усулда водород олишда самарали ва барқарор фотокатализаторларни синтез қилиш ва уларнинг морфологик, оптоэлектрон, микроструктуравий ва фотокаталитик хоссаларини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, K. Domen, A. Kudo, K. Maeda Michael Grätzel, K. Sivula каби олимлар турли хил таркибга ва тузилишга эга бўлган металл оксидлари, нитридлари, оксинитридлар асосидаги юқори самарадор фотокатализатор ва фотоэлектродларни олиш ва хоссаларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказишган.

Ўзбекистонда самарали фотокатализ наноматералларни синтези ва хоссаларини тадқиқ этиш бўйича қатор олимлар изланишлар олиб боришмоқда. Кадирова З.Ч. металл оксидлари ва сульфидлари асосида олинган нанотузилмали фотокатализатор материалларни саноат чиқинди сувларини тозалашда қўллаган. Рўзимуродов О.Н. турли металл оксидлари асосида наноғовакли тузилмалар олиб уларни фотокаталитик хоссаларини тадқиқ этган. Лекин, турли морфология ва ўлчамга эга бўлган, кўринувчи нур соҳасида фаол наноструктурали фотокатализаторлари олиш ва уларда ҳосил бўлган экситонлар динамикасини фотокаталитик фаолликга таъсири тизимли ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг № Ф-ОТ-2021-237 “Қуёш нури таъсирида сувни фотокаталитик парчалаб водород олиш: наноструктурали фотокатализаторларни синтез қилиш ва хоссаларини назарий ва экспериментал тадқиқ этиш” (2021 й-х.в.) ва Жанубий Корея Кумо миллий технологиялар институти 2011-0017965 “Development of visible-light water-splitting system using nano-structured semiconductors” (2011-2014 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади металл оксидли яримўтказгич нанотузилмаларини синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий ва фотокаталитик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

металл оксидли яримўтказгич нанотузилмали фотоэлектродларни қулай ва камхарж усулларда синтез қилиш ва уларни фотоэлектрокимёвий хоссаларини тадқиқ этиш;

мис оксиди наноструктуралари (нанородлари) асосида р- типдаги яримўтказгичли фотоэлектродни ғовакли темплат қўллаган ҳолда қулай ва содда усулда синтез қилиш ва фотоэлектродларни морфология ва микроструктураларини тадқиқ қилиш;

мис оксиди асосидаги фотоэлектродларидаги фотокоррозия учраш муаммосини бартараф этиш. Бунда, мис оксиди фотоэлектродни танланган ҳимоя материаллари билан қоплаб, CuO/ZnO ва CuO/ZnO/TiO_2 гетроструктуралар олиш ва уларни морфологик, макроструктуравий, фотоэлектрокимёвий ва фотокоррозияга барқарорлик хоссаларини ўрганиш;

ҳосил қилинган CuO/ZnO фотоэлектродларда қўлланилган ZnO ҳимоя қатлами қалинлигини фотоэлектрокимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

фотокоррозияга бардош CuO/ZnO нанород ва юпка плёнка асосидаги фотоэлектродларни синтез қилиш ва уларни фотоэлектрокимёвий хоссаларини қиёсий тадқиқ этиш;

гальваник-потенциал иштирокида гидротермал усулда Ag/ZnO металл-яримўтказгич наноструктурани ҳосил қилиш ва уларни морфологик, микроструктуравий ва фотокаталитик хоссаларини ўрганиш;

Тадқиқотнинг объекти мис оксиди, титан диоксиди ва рух оксиди нанородлари ҳамда кумуш наносимларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети мис оксиди, титан оксиди ва рух оксиди асосидаги наноструктураларни тузилмаси, морфологик, физик-кимёвий хоссалари, фотоэлектрокимёвий ва фотокаталитик хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда электрон микроскопия, рентгеноструктуравий, рентген-фотоэлектрон спектроскопия, фотоспектроскопия, фотокаталитик ва циклик вольтамперометрия, хроноамперметрик ва электрокимёвий импиданс спектрометрия (ЭИС) таҳлили каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мис оксиди нанородлари асосида р-тип ўтказувчанликга эга яримўтказгичли фотоэлектродни олишни ғовакли темплат ёрдамида электрокимёвий чўктириш усули ишлаб чиқилган;

илк бора наноструктурали n- типли $\text{TiO}_2/\text{CdS}/\text{CdSe}$ фотоанод ва р-типли CuO/ZnO/TiO_2 фотокатодлардан ташкил топган фотоэлектрокимёвий ячейка тузилди ва ячейка параметрларини тўлиқ ўрганиш натижасига асосан танланган фотоэлектродларни бир фотоэлектрокимёвий ячейкада қўллаш мумкинлиги исботланган;

мис оксиди нанородлари асосида р-тип ўтказувчанликга эга яримўтказгичли фотоэлектродни фотокоррозияга бардошлиги ZnO нанородларидан ташкил топган ҳимоя қатлами эвазига 80% бўлиши таъминланган;

CuO нанород морфологияга эга фотоэлектроднинг хоссалари юпқа плёнка асосидаги фотоэлектродга нисбатан устунлиги электродлар фотоэлектрохимёвий хоссаларини батафсил қиёсий тахлили асосида исботланган;

CuO/ZnO нанородлари асосидаги фотоэлектродларда қўлланилган ZnO нанород ҳимоя қатламининг қалинлигини фотоэлектроднинг фотокоррозия бардошлиги ва электрохимёвий хоссаларига нозиклиги боғлиқликда эканлиги исботланган;

илк бора гальваник-потенциал иштирокидаги гидротермал усулни дисперс нанозаррали системага қўллаган ҳолда Ag/ZnO металл-яримўтказгич наноструктуралари синтез қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вертикал тартибланган металл ва металл оксид нанородларини ғовакли темплат ёрдамида синтез қилиш усули яратилган:

рух оксиди нанород ҳимоя қатламига эга коррозия бардош CuO нанотузилмали фотоэлектродлар олинган;

ёруғликнинг кўринувчи нур спектрида фаол фотоэлектродлардан иборат автоном фотоячейка яратилган;

металл-яримўтказгичли нанозарраларни синтез қилишнинг гальваник-потенциалли гидротермал усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ғовакли темплат ёрдамида электрохимёвий чўктириш ва гальваник-потенциал иштирокида гидротермал усулларда олинган наноструктуралар сканловчи электрон микроскопия (SEM), трансмиссион электрон микроскопия (ТЕМ), рентгенография (XRD), энергия-дисперс, УБ-КЎР ва рентгенофотоэлектрон спектроскопия (EDX, UV-VIS, XPS), циклик вольтамперометрия, электрохимёвий импеданс спектроскопияси каби тадқиқот усуллари жамланмаси билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мис оксиди нанородларини синтез қилишни ғовакли темплат ёрдамида электрохимёвий чўктириш усулини ишлаб чиқишдан, шунингдек, металл оксид яримўтказгичларнинг микроструктураси, морфологияси ва таркибини уларнинг фотокаталитик хоссаларига боғлиқлигини тадқиқ этиш, ва гальваник-потенциал иштирокидаги гидротермал синтез жараёнида металл-яримўтказгич нанозарралар ҳосил бўлиш механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти n- типли $TiO_2/CdS/CdSe$ ва р- типли $CuO/ZnO/TiO_2$ фотоэлектродлар синтезланганлиги ва улар асосида автоном фотоэлектрохимёвий ячейка тузилганлиги, автоном фотоячейка ёрдамида сувни фотоэлектрохимёвий парчалаб водород олиш мақсадида қўллаш мумкинлиги, Ag/ZnO металл-яримўтказгич наноструктураларни синтез қилишни гальваник-потенциал иштирокидаги гидротермал усули

ишлаб чиқилганлиги ва бу усулни бошқа турдаги металл-яримўтказгич нанозарраларни олишга қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Металл оксидлари асосида нанотузилишли яримўтказгичлар олиниши ва фотокаталитик хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мис ва рух оксидлари асосидаги нанотузилмаларни синтез қилиш методологияси Жанубий Корея Чезу Миллий Университети №2014M1A7A1A03045383 “Plasma Diagnostics Using Fast Thomson Scattering” фундаментал лойиҳаси доирасида фотоэлектродларда электрод/электролит чегарасида заряд узатилиш хоссаларини тадқиқ қилишда қўлланилган (Жанубий Корея Чезу Миллий Университетининг 2022 йил 15 февралдаги маълумотномаси). Натижада фотокоррозияга бардош фотоэлектродларни синтез қилиш имконини берган;

гальваник потенциал иштирокидаги гидротермал синтез усули Жанубий Корея Чезу Миллий Университети “Study on the laser aided diverter diagnostics of ITER burning plasma” №2010-0020077 фундаментал лойиҳаси доирасида функционал нанозарралар олишда қўлланилган (Жанубий Корея Чезу Миллий Университетининг 2022 йил 15 февралдаги маълумотномаси). Натижада кумуш ва рух оксиди асосида металл-яримўтказгич тузилмалари нанозарралар олиш имконини берган;

металл оксидли яримўтказгич наноструктураларни синтез қилиш ва уларнинг морфологик, микроструктуравий ва фотокаталитик хоссалари бўйича олинган маълумотлардан юқори инпакт-факторли (IF) 233 та хорижий журналларда намуналарнинг микроструктуравий тузилиши, фотоэлектрокимёвий хоссали янги материалларни яратиш ва физик-кимёвий таҳлили учун фойдаланилган (Advanced materials, 2021, V.33, Wiley&Sons, IF=30.849; ChemSusChem, 2017, V.15, Wiley&Sons, IF=8.928; Solar Energy, 2016, V.136, Elsevier, IF=5.742; ACS Applied Energy materials, 2019, V.2, ACS Publications, IF=6.024; Nanoscale, 2020, V.12, RSC publications, IF=7.790; Applied materials & interfaces, 2019, V.9 ACS Publications IF= 9.229; Journal of Alloys and Compounds, 2017, V.494, IF= 5.316, Elsevier; Sensors and Actuators B: Chemical, 2014, V.214, Elsevier, IF= 7.460; International Journal of Hydrogen Energy, 2017, V.42, IF=5.816, Elsevier; Applied Catalysis B: Environmental, 2019, V.256, Elsevier, IF=19.503; Renewable and Sustainable Energy Reviews, 2016, V.54, IF=14.9, Elsevier). Натижада турли металл оксидли яримўтказгичларни фотокаталитик ва фотоэлектрокимёвий хоссаларини таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 25 та, жумладан, 20 та халқаро ва 5 та республика илмий амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та

мақола, жумладан, 1 таси республика ва 18 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истикболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг назарий асослари ва мақсадлари”** деб номланган биринчи бобда сувни фотокаталитик парчалаб водород олишнинг назарий асослари келтирилган. Бунда сувни фотокаталитик парчалашни фундаментал механизмлари тушунтирилган бўлиб, ёруғлик энергиясини фотокатализатор заррачада ютулиши, заряд ташувчиларни ҳосил бўлиши ва сирт реакциялари каби асосий босқичлар ёритилган. Сувни фотокаталитик парчалашда асосан металл оксидлари, сульфидлари ва карбидлари асосидаги яримўтказгич материаллар қўлланилади. Материалларни мосларини танлаш, уларга қўйдган тадаблар ва қўйилган талабга мос равишда материал физик ва кимёвий хоссаларини ўзгартириш усуллари алоҳида баён этилган. Бобнинг якунида сувни ташкил этувчилара парчалаб водород олишнинг фотоэлектрокимёвий усули баён этилган бўлиб, бунда қўлланиладиган фотоэлектрокимёвий ячейкаларни турлари, фотоэлектрод конфигурациялари ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“TiO₂/CdS/CdSe ва CuO/ZnO/TiO₂ асосидаги фотоэлектродларни синтез қилиш, хоссаларини ўрганиш ва уларни ташқи кучланишсиз фотоэлектрокимёвий сувни парчалаш ячейкасида қўллаш”** деб номланган иккинчи бобида фотоэлектрокимёвий (ФЭК) ячейкада сувни парчалаб водород ишлаб чиқариш учун мўлжалланган нанотузилмали **CuO/ZnO/TiO₂** фотоэлектродини синтез қилиш, хоссаларини таҳлил қилиш ва ташқи кучланишсиз ишловчи ФЭК ячейкада қўллаш имкониятларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Одатда ФЭК ячейка бир, n- ёки p- типдаги яримўтказгичли фотоэлектрод ва металл қарши электроддан ташкил топган бўлиб, икки электродлар ўзаро ташқи электр занжири билан уланган. Фотоэлектрокимёвий ячейканинг ташқи электр занжир қаршилигини енгиб самарали ишлашини таминлашда қўшимча электр кучланиш берилади. Фотоэлектрокимёвий ячейканинг ташқи,

кўшимча энергия манбаисиз, тўлиқ қуёш энергиясида автоном ишлай олиши, уни водород ишлаб чиқаришда истиқбооли бўлиши учун муҳимдир.




1-расм. TiO_2 ва CuO нанотузилмаларни морфологик ва микроструктуравий таҳлили. (а) TiO_2 ва (б) CuO фотоэлектродларни кўндаланг кесим СЭМ суратлари. Ички расмлар наноструктураларни юқоридан кўриниши. (с) $\text{TiO}_2/\text{CdS}/\text{CdSe}$ ва (д) CuO нанотузилмаларни ТЭМ микрографиглари.

Ташқи электр манбаисиз, автоном ишловчи фотоэлектрохимёвий ячейкани (self-biased ёки unassisted photocell) ҳар иккала электроди n- ва p-типтаги яримўтказгичли фотоэлектроддан иборат ҳолда тузиш мумкин. Бунда, n- типдаги яримўтказгичли фотоэлектроддан (фотоанод) O_2 ҳосил бўлиш реакцияси ва p- типдаги яримўтказгичли фотоэлектроддан (фотокатод) H_2 ҳосил бўлиш реакциялари амалга ошади. Мазкур бобда ана шундай ФЭК ячейкада қўлланилган фотоанод ва фотокатодларни ҳосил қилиш, уларни хоссаларини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва уларни қўллаган ҳолда тузилган автоном ишловчи ФЭК ячейка параметрларини аниқлаш натижалари ёритилган.

Олинган фотоэлектродларни биргаликда ишлашини аниқлашдан аввал, ҳар иккала электродни фотоэлектрохимёвий хоссалари алоҳида ўрганилди.

Ҳар иккала фотоэлектродларни морфологик СЭМ ва микроструктуравий ТЭМ натижалари 1-расмда келтирилган. Натижалардан ҳар иккала фотоэлектродлар наноўлчамли тузилмага эга эканлигини кўриш мумкин.




2-расм. (a) TiO₂/CdS/CdSe ва (b) CuO нанотузилмали фотоэлектродларни циклик вольтамперометрия натижалари. ZnO/TiO₂ юпка плёнка билан қопланган CuO нанотузилмали фотоэлектроднинг (c) СЭМ ва (d) ТЭМ микрографлари

Фотоанод сифатида қўлланилган уч хил, A1-TiO₂, A2-TiO₂/CdS/CdSe, A3-TiO₂CdS/CdSe-НТ, электродларнинг циклик вольтамперометрия натижалари 2-(a) расмда келтирилган. Натижалар барча фотоэлектродлар анодик фототок генерациясини намоиш этишини кўрсатди ва бу уларни n- типли яримўтказгич эканлигини билдиради. Натижалардан, A3 фотоэлектрод қолгандарига нисбатан энг юқори фототок генерациясини намоиш этганини кўриш мумкин. Бу натижа TiO₂ нанородларини CdS/CdSe квант нуқталари билан композит гетероструктура хосил қилингани билан тушунтирилади.

Мис оксиди асосидаги фотокатод (2-(b) расмга қаранг) p- типдаги фотоэлектродларги хос катодик фототок генерациясини намоиш этдиб оқ ва кўринувчи нур таъсирида мос равишда 0.5 V (vs Ag/AgCl) кучланишга мос келувчи 1.2 mA/cm² ва 0.9 mA/cm² натижаларни кўрсатди.

Мис оксиди тақиқланган зона энергияси ~1.7 eV га тенг кўринувчи нурда актив бўлган металл оксид яримўтказгич материал бўлиб ўз электрон зоналари

жойлашуви ва электрохимий потенциалига кўра водород ҳосил бўлиш реакциясига мос истиқболли материал ҳисобланади. Бирок, CuO фотодекомпозиция потенциали (фотокоррозия потенциали) ўз электрон зоналари орасида жойлашганлиги сабабли фотоэлектрохимий шароитда CuO ни ўзи фотокоррозияга учрайди, натижада CuO фотоэлектрод сифатида қўлланилиши чекланган. Бу камчилик камчиликни бартараф этишда CuO сиртида махсус, коррозияга бардош қатлам ҳосил қилиш орқали амалга оширилади.



3-расм. n-TiO₂ ва p-CuO асосидаги фотоэлектродлар иштирокида тузилган фотоячейканинг (а) схематик ва (б) энергетик зоналар диаграмма тузилиши.

Бу ишда коррозияга бардош қатлам сифатида CuO сиртида ZnO/TiO₂ юпқа плёнкаси spin-coating (марказдан қочма куч таъсирида плёнка ўстириш) усулида ўстирилди. Мис оксиди асосидаги фотоэлектродсиртида ҳосил бўлган юпқа плёнкаларни морфологиявий ва микроструктуравий тахлили 2-(с) ва (d) расмларда келтирилган. Ҳимоя қатлам сифатида қопланган 80 нм қалинликдаги ZnO/TiO₂ юпқа плёнка CuO сиртида текис, узликсиз плёнка ҳосил қилгани 2-(с) кўндаланг кесм СЭМ микрографиясидан кўриш мумкин. Қопланган плёнка сифати ва кристалл тузилмаси ТЭМ микроскопи ёрдамида намунани кўндаланг кесмидан аниқланди (2-(d) расмга қаранг). Натижалар, ҳосил бўлган қатдамлар режалаштирилган кетмакетликда (CuO→ZnO→TiO₂) узликсиз плёнка кўринишида ҳосил бўлганини кўрсатди. Юқори даражада катталаштирилган ТЭМ натижалари эътибор билан ўрганилганда ZnO қатдами бетартиб тарқалган нанозарралардан иборат эканлиги аниқланди (2-(d) ички расмга қаранг). Қўлланилган фотокоррозиядан ҳимоя ватламини оптимал қалинлигини фниқлаш учун ZnO қатлам қалинлигини ўзгармас сақлаган ҳолда TiO₂ қатлам қалинлиги 100 нмдан 400 нмгача ўзгартириб текширилди ва электродлар C-1, C-2, C-3, C-4 рақамлар билан белгиланди. Натижалар TiO₂ қатлам қалинлигини ошиши CuO фотоэлектрод коррозиябардошлигига тўғри пропорционал ва ҳосил бўлган фототок генерациясига тесқари пропорционал эканлигини кўрсатди.

Ўрганилган n- ва p- типдаги фотоэлектродларни ($\text{TiO}_2/\text{CdS}/\text{CdSe}$ ва $\text{CuO}/\text{ZnO}/\text{TiO}_2$) қўллаган холда ташқи кучланишсиз ишловчи фотоэлектрохимёвий ячейка тузилди. Бунда, электродлар бир-биридан нафион (протон ўтказувчи мембрана) мембранаси билан ажратилган икки алохида ячейкаларга жойлаштирилиб ўзаро қисқа туташтирилди (3-(а) расм).

Фотоэлектрохимёвий ячейкадаги икки яримўтказгичли электродларни энергетик зоналарининг диаграммаси 3-(а) расмда кўрсатилган. Маълумки, яримўтказгичли электрод электролит билан контактлашганда яримўтказгичнинг n- ёки p- типдагилигига қараб унинг энергетик зоналари сатхи юқорига ёки пастга букилади. Энергетик зоналарни бундай букилиши электродларда хосил бўлувчи заряд ташувчиларни харакатини белгилайди ва натижада қайси электрод сиртида қандай реакция (оксидланиш ёки қайтарилиш) содир бўлиши аниқланади.

Натижада, бизни ҳолат учун, TiO_2 асосидаги n- типли яримўтказгич сиртида оксидланиш реакцияси (O_2 хосил бўлиши) ва p- типли яримўтказгич сиртида қайтарилиш реакцияси (H_2 хосил бўлиши) содир бўлади. Тузилган икки типдаги фотоэлектродлардан иборат фотоячейка ишлашини текшириш учун иккала тур фотоэлектрод бир хил интенсивликдаги кўринувчи нур билан ёритилди ва ячейка вольт-ампер хоссалари (ВАХ) аниқланди. Фотокатод ўзгармас сақланган холда (С-1) уч хил фотоанод иштирокида (А-1, А-2, А-3) тузилган фотоячейка ВАХ кўрсаткичлари 3-(б) расмда келтирилган. Фотоячейка очиқ занжир кучланиши 0.803 Вт. тенг бўлиб А-1, А-2, А-3 фотоанодлар учун олинган қисқа туташув токи мос равишда 0.19 мА, 0.55 мА ва 1.56 мА га тенг. Энг юқори ва кичик қисқа туташув токи қийматлари А1- TiO_2 ва А2- $\text{TiO}_2/\text{CdS}/\text{CdSe}$ -НТ фотоэлектродлари учун кузатилди ва бу кетма-кетлик 2-(а) натижадаги фотоэлектродларнинг фотоэлектрохимёвий хоссаларига мос келади. Яъни, n- ва p- типдаги фотоэлектродлар иштирокида тузилган фотоячейка самарадорлиги қўлланилган фотоэлектродларни хусусий самарадорлигига узвиё боғлиқ эканлиги аниқланди.

Барча синтезланган фотоэлектродларни турли конфигурацияда қўллаб тузилган фотоячейка ВАХ ва самарадолиги ҳисобданди ва олинган натижалар 1- жадвалда жамланган.


1-жадвал. Ўрганилган фотоячейкаларнинг ВАХ кўрсаткичлари

Electrode	J_{sc} (mA)	V_{oc} (V)	η (%)
C-1:A-3	1.56	0.9	0.96
C-2:A-3	1.35	0.85	0.83
C-3:A-3	1.03	0.8	0.64
C-4:A-3	0.92	0.8	0.57

Шубхасиз, С-1 ва А-3 фотоэлектродлар иштирокидаги фотоячейка самарадорлиги бошқаларига қараганда энг юқори қийматга эга.

Диссертациянинг «**ZnO** ҳимоя катламли **CuO** нанородлари асосидаги фотоэлектродларни синтез қилиш ва уларнинг фотоэлектрохимёвий хоссаларини» деб номланган учинчи бобида **CuO/ZnO** нанотодлари асосидаги фотоэлектродларни олиш усуллари, уларни морфологик, микроструктуравий ва фотоэлектрохимёвий таҳлил натижалари муҳокама этилган.

CuO нанородларини олишни икки босқичли қулай ва содда усули жорий қилинган бўлиб бунда аввал вертикал тартибланган мис нанородлари наноғовакли Al_2O_3 қолип ёрдамида электрохимёвий чўктириш усула олинди. Сўнг, мис нанородлари $300^\circ C$ да хавода термик оксидланиб **CuO** га айлантилди. Натижада электр ўтказувчан тагликда вертикал тартибланган **CuO** нанородларидан иборат фотоэлектрод олинди.



4-Расм. **CuO ва **CuO/ZnO** нанородлари асосидаги фотоэлектродларни СЭМ микрографлари. (а) вертикал тартибланган мис нанородлари. (б) **CuO** нанородларини сирт суратлари. (с) **CuO/ZnO** нанородлари асосидаги фотоэлектроднинг кўндаланг кесим сўриниши.**


4(а) расимда мис пластинаси таглиги устида вертикал ўстирилган мис нанородларини СЭМ микрографи келтирилган. Нанородларни диаметри ва узунлиги мос равишда 150 нм ва 5 мкм га тенг. Нанородлар наноғовакли Al_2O_3 қолип ёрдамида ўстирилганлиги учун қолип ўлчмларини ўзгартириш орқали нанородларни ўлчамларини бошвариш мумкин. Мис нанородларини термик оксидлашда хосил бўлган **CuO** нанородлари 4(б) расимда келтирилган.

Мис оксиди тақиқланган зонаси тор (1.4-1.7 eV) бўлган яримўтказгич бўлиб ўтказувчи зона минимуми ва валент зона максимумлари жойлашуви бўйича сувни парчалашдаги водород хосил бўлиш ярим реакциясига мос материал хисобланади. Шунинг учун **CuO** кўринувчи нурда актив фотокатализатор материал сифатида кенг ўрганилган. Аммо, **CuO** декомпозиция потенциали унинг зоналари орасида жойлашган учун фотокаталитик шароитларда бу материал фотокоррозияга учрайди. Материални фотокоррозиядан сақлашга қаратилган стратегиялардан бири бу уни коррозияга бардош бошқа материал билан қоплашдан иборат. Диссертация ишида **CuO** фотоэлектродни фотокоррозиядан сақлашда **ZnO** нанород ҳимоя

катлами қўлланилган. 4(с) расмда ZnO нанородлари билан қопланган вертикал CuO нанородлари тасвирланган.


CuO/ZnO композит фотоэлектродни Рентген диффрактограссалари ва фотоэлектрон спектроскопия натижалари намунада айнан доминант CuO ва ZnO бирикмалардан иборатлигини исботлади. Фотоэлектродларни оптик хоссалари CuO 1.5 eV ва ZnO 3.2 eVга тенг эканлигини кўрсатди.

CuO/ZnO фотоэлектродни фотоэлектрохимий хоссалари циклик вольтамперометрия (5(a) расм) ва хроноамперметрик (5(b) расм) усулларда тадқиқ этилди. 5(a) расмда келтирилган CuO ва CuO/ZnO фотоэлектродларни вольтамперометрия графикларидан фототокни катодик соҳада ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу CuO ни р-типи яримўтказгич эканлигидан далолат беради. CuO ва CuO/ZnO фотоэлектродларда -0.5 V (vs Ag/AgCl) кучланишда ҳосил бўлган фототок зичлиги қийматлари мос равишда -1.4 mA/cm^2 ва -0.9 mA/cm^2 тенг эканлиги аниқланди.



5-Расм. CuO ва CuO/ZnO фотоэлектродларни фотоэлектрохимий хоссалари. (a) CuO ва CuO/ZnO фотоэлектродларни циклик вольтамперометрия ва (b) хроноамперметрик таҳлилари.


Фотоэлектродларни барқарорлиги 5(б) расмда келтирилган хроноамперметрик усул ёрдамида баҳоланди. Бунда, фотоэлектродларни фототок зичлиги қийматлари ўзгармас кучланишда (-0.5 V (vs Ag/AgCl)) узоқ вақт давомида ўлчанди. Натижадан CuO асосидаги фотоэлектродда ҳосил бўлган фототок зичлиги қиймати ўлчаш давомида ўзлуксиз камайиб боришини кўриш мумкин. Фототок зичлиги қийматининг бундай камайиши CuO ни фотоэлектрохимий шароитда пачаланиши билан тушунтириш мумкин. Ўз навбатида, бир хил шароитда, CuO/ZnO фотоэлектродда ҳосил бўлган фототок зичлиги қиймати ўлчаш давомида деярли ўзгармаган. Фотоэлектродларнинг барқарорлиги ҳосил бўлган фототок зичлиги қийматларини дастлабки ва сўнги қийматларини (5(б) расмда A ва B зоналар) нисбанлари олинди ва мос равишда CuO ва CuO/ZnO фотоэлектродлар учун 20 % ва 90 % ташкил этди.



6-Расм. (а) CuO ва CuO/ZnO фотоэлектродлар учун Nyquist графиги (б) CuO/ZnO фотоэлектроднинг схематик тасвири.


Фотоэлектродларни циклик вольтамперометрия натижаларига (5(б) расмга қаранг) этибор бериб қаралса CuO фотоэлектрод фототок зичлиги қиймати CuO/ZnO га қараганда кўпроқ. Фотоэлектродлардаги бу фарқни батафсил ўрганиш учун ЭИС таҳлили бажарилди. 6(а)-расмда CuO ва CuO/ZnO фотоэлектродлар учун Nyquist (электродларнинг хақиқий ва тасаввурий импиданс компонентларини боғлиқлиги) графиги келтирилган. Натижалардан, CuO электроднинг электрод/электролит чегарасидаги заряд узатиш қаршилиги CuO/ZnO электродга нисбатан анча кичик эканлигини кўринади ва бу CuO электроддаги фототок зичлигининг қиймати катта эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида CuO/ZnO электроддаги ZnO “уруғ” ва ZnO нанород қатламлари (6(б)-расм) электрод/электролит чегарасидаги заряд узатиш қаршилигини ошишига олиб келади ва натижада кичик фототок зичлиги қийматига сабаб бўлади.

Диссертациянинг “ZnO химоя қатламли CuO нанород ва юпка плёнка асосидаги фотоэлектродларнинг фотоэлектрохимий хоссаларини қиёсий ўрганиш” деб номланган тўртинчи бобида CuO нанород ва юпка плёнкали фотоэлектродлар синтезланади. Фотоэлектродларнинг морфологиясини (яъни, нанород ёки юпка плёнка) уларни заряд узатиш ва ташиш хоссаларига таъсири қатор фотоэлектрохимий усуллар ёрдамида қиёсий ўрганилди. CuO нанородларини синтези иккинчи бобда баён этилган усулда амалга оширилди. CuO юпка плёнкаси юқори даражада полировкаланган мис пластинасини 300°C да хавода термик оксидлаш ёрдамида ҳосил қиллинди. ZnO нанородларидан иборат химоя қатлами ҳар иккала турдаги CuO электродлар сиртида бир хил шароитда гидротермал усулда ўстирилди. Ҳосил бўлган фотоэлектродлар морфологиясини СЭМ микрогафлари 7-расмда келтирилган.



7-расм. CuO/ZnO нанородлари (а) ва юпқа плёнкаси (б) асосидаги фотоэлектродларнинг СЭМ микрографлари.

Натижалардан шуни кўриш мумкинки, CuO/ZnO нанородлари (7(a) расм) тагликга нмсбатан деярли перпендикуляр ўсган бўлиб, ZnO нанородлари хар бир CuO нанородларини хар томондан бир текис қоплаган. CuO/ZnO юпқа плёнкали фотоэлектродда CuO катлам қалинлиги ~850 нмга тенг. Фотоэлектродларнинг самарадорлигини оширишнинг мухим чораларидан бири бу заряд ташувчиларни рекомбинациясини камайтириб электрод/электролит чегарасида уларнинг узатиш қаршилигини камайтиришидан иборатдир. Бунда, электрод материални наноўлчамда бўлиши мухим ҳисобланади. Икки турдаги фотоэлектродларнинг морфологик ва геометрик фарқларини улардаги заряд ташувчиларни рекомбинацияси ва узатилишига таъсири фототок зичлиги кинетикасини тахлил қилиш билан аниқланди. Бунда, ZnO қатдамсиз холдаги CuO нанород ва юпқа плёнкали фотоэлектродлар киёсланди.




8-расм. (а) ва (б) мос равишда CuO нанород ва юпқа плёнкали фотоэлектродлар учун фототок зичлиги кинетикаси графиги. (с) CuO нанород ва юпқа плёнкали фотоэлектродлар учун Ln(D)-вакт графиги.

Келтирилган 8- (а) ва (б) расмларида электродлардаги фототок зичлигини вақт бўйича ўзгариш графиглари берилган. Бунда light on ва light off нуқталар ёруғлик манбаини ёқиқ ва ўчиқ холатларига мос келади. Натижалардан, хар

иккала электродларда ёруғлик манбаи ёнганда фототок қиймати кескин ошиши (I_i - холат) ва ўчганда камайиши (I_f - холат) кузатилади. Бу холатлар хосил бўлган ток айнан ёруғлик таъсирида хосил бўлган фототок эканлигини билдиради. Бундан ташқари, I_i ва I_f холатлар орасида фототок қийматини вақт ўтиши билан экспоненциал камайишини кўришимиз мумкин.

Бу экспоненциал камайиш электродлардаги заряд ташувчиларни рекомбинацияси билан боғлиқ бўлиб CuO нанородли намунага нисбатан юпка плёнкали намунада рекомбинация жараёни жадал эканлигини кўринади. 8- (а) ва (б) расмларидан I_i ва I_f холатларга мос фототок ва вақт қийматларида фойдаланиб электродлардаги рекомбинация вақтини аниқлаш мумкин (8 (с) расм).



9-расм. (а) CuO/ZnO нанород ва юпка плёнка учун Nyquist графиги. (б) электродлардаги ёруғлик ютилиши ва заряд узатилиш жараёнларини схематик кўриниши.

CuO юпка плёнкали ва нанородли намуналар учун рекомбинация вақти мос равишда 1,44 сек. ва 3,67 сек. эканлиги аниқланди. Бу CuO нанородли электрод учун рекомбинация вақти юпка плёнкалига нисбатан икки мартта секин эканлигини англатади. Шундай қилиб, нанород морфологиясига эга электродлардаги фототок қийматини катталиги улардаги заряд ташувчиларнинг концентрациясини кўплиги ва электронларнинг яшаш вақти узоклиги натижасида деб хулоса қилиш мумкин.

Фотоэлектродларни ZnO ҳимоя қатлами ўстирилгандан сўнги фотоэлектродимёвий хоссалари таққосланганда CuO/ZnO нанород ва плёнка асосидаги электродлар фототок қийматлари $-0.5V$ vs Ag/AgCl да -0.5 mA/cm^2 ва -0.81 mA/cm^2 эканлиги аниқланди.


Фотоэлектродларни хоссалари ЭИС ёрдамида таққосланганда электрод/электродлит чегарасидаги заряд узатиш қаршилиги CuO/ZnO нанород асосидаги электрод учун кам эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, циклик вольтамперометрия ва ЭИС таҳлил натижаларига асосланиб CuO/ZnO нанород асосидаги фотоэлектрод электродимёвий хоссалари юпка плёнка асосидаги электродга нисбатан устун эканлиги

исботланди. Бу устунлик 9(б) расмда келтирилган омиллари жамланма таъсири асосида эканлиги аниқланди. Булар: (1) бир-қанча сочилишлар эвазига ёруғлик ютилишининг кучайиши, (2) заряд ташувчиларнинг диффузия узунлиги қисқариши эвазига рекомбинация жараёнини камайиши ва (3) нанородлардани ҳам узунлиги ҳам кўндаланг йўналишлари бўйлаб қўлай заряд узатилиши эвазига электрод/электролит чегарасида заряд узатилиш қаршилигини камайишидир.

Диссертациянинг “**ZnO** химоя қатлами қалинлигини **CuO** нанород асосидаги фотоэлектродларни фотоэлектрокимёвий хоссаларига таъсири” деб номланган бешинчи бобида **CuO** нанородлари сиртида гидротермал усулда **ZnO** нанород химоя қатлами турли хил узунлик ва зичликда ўстирилган фотоэлектродлар синтезланган ва уларнинг фотоэлектрокимёвий хоссалари ўрганилган.

ZnO нанород химоя қатлами қалинлиги гидротермал синтез вақтини ўзгартириш билан бошқарилди.




10-расм. CuO/ZnO нанород асосидаги фотоэлектродларни СЭМ микрографлари. (а) CuO нанородлари, (б) CuO/ZnO-2 намуна, (с) CuO/ZnO-6 намуна.

Бу ишда гидротермал синтез вақти 2 соат ва 6 соат давом этган намуналар ўрганилди ва намуналар мос равишда **CuO/ZnO** -2 ва **CuO/ZnO** -6 деб белгиланди.

10-расмда ўрганилган намуналар морфологияси СЭМ микрографлари келтирилган. 10(а) расмда вертикал тартибланган **CuO** нанородлари, 10(б) ва (с) расмларда (ички расмлар) 2 ва 6 соат давомида гидротермал синтезланган **CuO/ZnO** намуналар келтирилган бўлиб гидротермал синтез вақтини ошиши **ZnO** нанородларини зичлиги ва узунлигини ошишига таъсир қилишини кўриши мумкин. Намуналарни микроструктуравий ва оптик хоссалари Рентген диффрактограммаси ва спектрофотометрия усулларида ўрганилди (мос равишда 11(а) ва 11(б) расмлар). Хар иккала, **CuO** нанород ва **CuO/ZnO**, намуналарини Рентген диффрактограммаси ўрганилганда 43.4° , 50.3° , 74° ларда **Cu** тагликга мос келувчи (111), (200) and (220) ўткир дифракция пиклари аниқланди. Мис оксидига мос келувчи диффракция пиклари 35.5° , 38.6° ва 60.94° ларда намоён бўлганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, **CuO/ZnO** намунада **CuO** пикларидан ташқари гексагонал **ZnO** (100), (002) ва (102)

текисликларига мос дифракция пиклари 31.66° , 34.32° , ва 47.46° ларда аниқланди.



11-Расм. CuO ва CuO/ZnO электродларнинг микроструктуравий (а) ва оптик (б) хоссалари.

Хар иккала намунанинг оптик хоссаларидан ўлар кўринувчи нур спектрида актив эканлигини кўриш мумкин. Мис оксиди нанородли электрод ютилиш спектри 300 нм-800 нм оралиғида эканлигини кўриш мумкин. CuO/ZnO намуна ютилиш спектри 300 нм-400 нм оралиғидаги УФ сохага ва 400 нм -800 нм оралиқда кўринувчи сохага мос келади ва булар электроднинг ZnO (3.2 eV) ва CuO (1.5 eV) компонентларига мос келади.

Фотоэлектродларнинг электрохимёвий хоссалари циклик вольтамперометрия ва ЭИС усуллари ёрдамида тахлил қилинди ва натижалар 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал Фотоэлектродларни электрохимёвий тахлили натижалари

Photoelectrode	J _{ph} (mA/cm ²)	τ _n (ms)	Stability (%)
CuO NR	0.23	114.6	59.9
CuO/ZnO-2h	0.21	82.5	86.7
CuO/ZnO-6h	0.14	59.4	97.6

2-жадвалдан CuO фотоэлектрод сиртидаги ZnO химоя қатлами қалинлиги унда хосил бўлган фототок қиматига (J_ф) ва фотогенерацияда хосил бўлган заряд ташувчиларнинг яшаш вақтига (τ_n) тескари пропорционал эканлиги кўришимиз мумкин. Яъни, CuO, CuO/ZnO-2 ва CuO/ZnO-6 намуналар учун J_ф ва τ_n қийматлари мос равишда 0,23 mA/cm², 0,21 mA/cm², 0,14 mA/cm² ва 114,6 мсек., 82,5 мсек., 59,4 мсек.га тенг. Шу билан бирга, ZnO химоя қатлами

қалинлигини ошиши фотоэлектродларнинг барқарорлигига тўғри пропорционал бўлиб электродлар барқарорлиги мос равишда 59.9%, 86.7% ва 97.6% ташкил этди.





Танланган p-типтаги CuO ва n-типтаги ZnO асосидаги CuO/ZnO гереротузилмали фотоэлектродни олиш махаллий p-n ўтиш хосил бўйиши эвазига заряд ташувчиларни самарали узатилиши ва рекомбинация жараёнини камайиши каби қўшимча ижобий афзалликларга эга. Аммо, олинган натижалардан шуни кўриш мумкинки, иккиламчи яримўтказгич (бу ерда ZnO) қалинлиги маълум чегарадан ошса юқоридаги ижобий таъсирлар намоён бўлмайди.

